

# ТОШКЕНТ НАҚИҚАТИ

2023-yil  
12-avgust  
SHANBA  
№ 58 (13617)

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline\_24 Haqiqat online haqiqatonline\_ QR-kod

## ЮЗМА-ЮЗ

Сайёр қабул

### МУЛОҚОТЛАР ОЧАЁТГАН ҲАҚИҚАТЛАР ФОИЗ ХАЛ БЎЛАЁТГАН МАСАЛАЛАР



Куни кеча Ўрта Чирчиқ туманининг "Халқобод" маҳалласидаги 2-сонли касб-хунара мактабида аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни кенгайтириш, мавжуд муаммоларга ечим топиш, уларни бартараф этиш юзасидан аниқ ва тезкор чоралар куриш мақсадида вилоят ҳокими Зойир Мирзаев бошчилигида сайёр қабул ўтказилди.

(Давоми 2-саҳифада) ▶

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### “ЧИМЁН” ХАЛҚАРО УМУММАВСУМИЙ КУРОРТИ ҚУРИЛИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Республиканинг туризм салоҳиятини янада ошириш, инновацион туризм инфратузилмаларини яратиш ва уларга инвестицияларнинг жалб қилинишини таъминлаш, Тошкент вилояти Бўстонлик туманида “Чимён” халқаро умуммавсумий курортини қуриш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Хукумати ва Франция Республикаси Хукумати ўртасида 2021 йил 10 майда “Чимён” халқаро умуммавсумий курортини қуриш лойиҳаси (кейинги ўринларда – Лойиҳа)ни амалга ошириш учун Молиявий протокол ҳамда ушбу протокол бўйича 2022 йил 22 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Хукумати ва Франция Республикаси Хукумати ўртасида 47,9 миллион евро миқдоридagi қарз маблағларини жалб қилиш юзасидан Амалга оширув келишувни имзоланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Хукумати ва Франция Республикаси Хукумати ўртасида тузилган Амалга оширув келишувига белгиланган тартибда юридик хулоса берсин.

2. Лойиҳа доирасида “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” АЖ томонидан 20 миллион АҚШ доллари миқдорда тақдим этиладиган кредитнинг гаров таъминоти сифатида “Белдирсой-Чимён-Нанай” халқаро умуммавсумий курортини қуриш ва эксплуатация қилиш бўйича лойиҳа офиси” давлат унитар корхонаси (кейинги ўринларда – Лойиҳа офиси) томонидан сотиб олинadиган ускуналар белгилансин.

3. Лойиҳа ҳудуди чегарасигача ташқи муҳандислик тармоқлари ва инфратузилма объектларини барпо этиш ишларини бажаришда:

“Ўзсувтаъминот” АЖнинг “Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК – сув таъминоти ва оқова сув тармоқларини қуриш;  
“Худудий электр тармоқлари” АЖ – электр энергияси билан таъминлаш;  
Автомобиль йўллари қўмитаси –

Лойиҳа ҳудудидаги давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлини қуриш (йўл бўйида ташқи ёритиш воситаларини ўрнатиш ҳамда ободонлаштириш ишларини инobatга олган ҳолда), Лойиҳа доирасида 2 515 метр баландликдаги ўрта-станциясигача вақтинчалик йўл ўтказиш;

“Ўзбектелеком” АЖ – телекоммуникация тармоқларини тортиш ва ўрнатиш ишларини бажариш бўйича буюртмачи этиб белгилансин.

Буюртмачи этиб белгиланган ташкилотлар икки ой муддатда лойиҳа ташкилотларини ўрнатиш тартибда ўтказиладиган таълим (тендер) савдолари орқали аниқлаб, улар томонидан лойиҳалаштириш ишларининг бошланишини таъминласин.

4. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси, “Худудий электр тармоқлари” АЖ, “Ўзсувтаъминот” АЖ, “Ўзбектелеком” АЖ Лойиҳа ҳудуди чегарасигача ташқи муҳандислик тармоқлари ва инфратузилма объектларини барпо этиш бўйича амалга ошириладиган қурилиш-муҳандислик ишларининг 2024 йил Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига киритилишини, шунингдек, мазкур дастур доирасида худудларни муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш учун назарда тутилган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексига Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича тўлиқ ёки қисман халқаро молия институтларининг ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг маблағлари (қарзлари, кредитлари) ҳисобидан Ўзбекистон Республикасида амалга ошириладиган лойиҳалар доирасида юридик шахслар томонидан олинadиган товарларга божхона божидан озод этиш тарзидаги тариф имтиёзлари берилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

(Давоми 2-саҳифада) ▶

## Даъват



### Ўйгон масак, уялғаймиз

Ўйку учун келмаганмиз бу дунёга,  
Ўзни чайинг тонелар сочган нур, зиёга,  
Қалби ўйғок мушаррафдир хуш дуога,  
Вилоятим, аҳли Тошкент, утинчим бор,  
Ўйғок элни бандам дегай, Парвардигор.

Мудроқ одам муродига етган эмас,  
Қут- барака кўчасидан ўтган эмас,  
Ўз йил яшаб бахт баридан тўтган эмас,  
Вилоятим, аҳли Тошкент, тўлғон энди,  
Ўйғонганлар сафига кир, ўйгон энди!

Нурафшоннинг номидаги нуринг ҳаққи,  
Олмалиқдан олаётган дуринг ҳаққи,  
Бекободни пўлат қилган қўринг ҳаққи,  
Чирчиқ билан яна юз бор қувон энди,  
Қувончингни қўшигидан ўйгон энди!

Бўстонликдек жаннатмонанд гулзор бизда,  
Паркент деса, узумига хумор бизда,  
Оҳангарон тилдан тушмас алёр бизда,  
Богинг бевақт кўрмасин ҳеч хазон энди,  
Деҳқон элим, боғбон элим, ўйгон энди!

Тошкент отлиг ўз мактабинг яратгандинг,  
Ибрат тўққан изларингга қаратгандинг,  
Пойтахт бўлиб шон-шухратинг таратгандинг,  
Аслида-ку, Ватан учун – уммондайсан,  
Нечун, ахир, шу қадридада ўйгонмагайсан?!

Ўйғоншидан Худо ҳаққи уялма ҳеч,  
Ўз ориндан ўзгасига суялма ҳеч,  
Буғун ўйгон, эрта албат бўлади кеч,  
Ўйғонганлар ичра урғин жавлон энди,  
Шиддатингни шамолдан, ўйгон энди!

Юртбошининг меҳри бизга дарёча бор,  
Шу меҳрни – оқламоқни қил ихтиёр,  
Вилоятим, аҳли Тошкент, айтувм такрор,  
Бу даъватдан бўлмагин ҳеч ҳайрон энди,  
Ўйғонмасак, уялғаймиз, ўйгон энди!

Маҳмуд ТОИР,  
Ўзбекистон халқ шоири

## Қарор ва ижро

### Ўзумини енгу БОҒНИ СУРИШТИРИНГ

#### Вилоятнинг 8-та ҳудудида “Олтиариқ тажрибаси” асосида узум плантациялари барпо этилади



Сўнги йилларда мамлакатимизда боғдорчиликни ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини оширишга устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Айниқса, узум етиштириш, тоқзорларни кўпайтириш ва уларга ишлов бериш, суғоришда янги технологияларни жорий этишга катта эътибор қаратилаяпти.

Яқинда давлатимиз раҳбари Фарғона вилоятига қилган ташрифиди ҳам мамлакатимизда иқлими узумчиликка мос туманлар кўплигини таъкидлаб, уларда “Олтиариқ тажрибаси”ни жорий қилиш, тоқзорларни кўпайтириш бўйича кўрсатма берган эди. Бу борада 2023 йил 3 августда Президентимизнинг “2023–2026 йилларда узумчилик ва виночилик соҳасини янада ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори имзоланди. Қарорда 2023–2024 йилларда республикаимизда 187 минг 614 гектар майдонда янги узумзорлар барпо қилиниши кўзда тутилган бўлиб, 51 та туман ва шаҳарда “Олтиариқ тажрибаси” асосида узум плантациялари ташкил этилиши белгиланган.

Куни кеча мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида Пискент туманининг “Мингтепа” маҳалласида вилоят раҳбарлари, соҳа масъуллари, фермерлар, деҳқон ва боғбонлар иштирокида семинар бўлиб ўтди.

Унда Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев қатнашди.

Семинарда замонавий кўчатхоналар барпо қилиш, кластер ва кооперация усулида узум етиштириш ва қайта ишлаш, узум плантацияларини ташкил этиш ҳамда уларни молиялаштириш борасида сўз борди.

– Қарор талабларидан келиб чиқиб, аҳоли хонадонларида узум етиштириш, қайта ишлаш, узумчилик ва ви-

ночиликни ривожлантириш, экспорт салоҳиятини оширишга катта эътибор қаратиш керак, – деди вилоят ҳокими. – Шуни назарда тутган ҳолда, вилоятнинг Бекобод, Паркент, Янгийул, Зангиота, Оҳангарон, Тошкент, Қибрай ҳамда Ўрта Чирчиқ туманларида узум плантациялари ташкил этилиши режалаштирилган.

4

## ПАХТАКОР - 79



### “Пахтакор-79”: САМОГА СОЧИЛГАН ЮЛДУЗЛАР

1979 йил 11 август. Мазкур сана ўзбек футболни учун фожиали кун сифатида тарихдан жой олган. Уша куни собиқ СССРнинг энг кучли жамоаларини мағлуб этиб, ўзбек футбол куч-қудратини дунёга олиб чиқаётган, стадионларни минглаб мухлислар билан тўлдирган, футболни том маънода миллионлар ўйинига айланишига катта ҳисса қўшган “Пахтакор” жамоаси аъзолари авиаҳалокатга учраб, мангу само юлдузларига айланишди.

3

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

“ЧИМЁН” ХАЛҚАРО УМУММАВСУМИЙ КУРОРТИ ҚУРИЛИШINI ЖАДАЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ҳосил бўладиган қўшилган қиймат соғлиғи суммаси тезлаштирилган тартибда қоплансин (қайтариб берилсин).

6. Лойиҳани амалга ошириш доирасида Лойиҳа офиси билан тузилган шартномалар доирасида транспорт ташкилотлари ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига кириш йўғимларидан ва Ўзбекистон Республикасининг умумфойдаланиладиган автомобиль йўлларида оғир юкли ва йирик габаритли транспорт воситаларининг ҳаракатланиши учун тўловлардан озод этилсин.

7. Лойиҳани амалга ошириш доирасида Лойиҳа офиси, бош пудратчи ва лойиҳа ташкилотларига Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган товарлар, жиҳозлар ва ускуналарни “божхона омбори” божхона режимида расмийлаштирилган ҳолда пудратчи ташкилотларнинг омборларига жойлаштиришга рухсат берилсин.

8. Лойиҳани амалга ошириш доирасида 2024 йил 31 декабрга қадар:

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Лойиҳа офисига, истисно тариқасида, муҳандислик-коммуникация ва инфратузилма объектларидан ташқари қисми учун қурилиш-монтаж ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш билан бир вақтда (параллель лойиҳалаштирилган ҳолда) бажаришга рухсат берилсин;

жалб қилинган пудратчи ташкилот, шунингдек, Франция компанияларининг Консорциуми аъзоси бўлган “Patriarche” компанияси билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига лойиҳалаштириш фаолиятини амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотига аъзо давлатларнинг ваколатли органлари, ташкилотлари, жамиятлари ва бирлашмалари томонидан берилган рухсат берувчи ҳужжатлар (лицензиялар)га асосан амалга ошириши инobatга олинсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 мартдаги “Иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-102-сон қарорига 2-иловадан 592 ва 606-позициялар чиқариб ташлансин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги А.А.Абдуҳақимов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирлиги А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2018 йил 8 август

ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТЛАР ОЧАЁТГАН ҲАҚИҚАТЛАР ФОИЗ ҲАЛ БЎЛАЁТГАН МАСАЛАЛАР



Қабулга Ангрен, Олмалик, Оҳангарон шаҳарлари ҳамда Оҳангарон тумани аҳолиси тақриф этилган бўлсада, вилоятнинг бошқа туман ва шаҳарларидан ҳам фуқаролар келишиди.

Учрашувда 50 дан ортиқ турли ташкилот ва идоралар масъуллари, сектор раҳбарлари, мутасаддилар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Сайёр қабулга келганлар асосан, электр ва газ таъминотидаги узиллишлар, ишсизлик масаласи, тадбиркорлик, ер, уй-жой муаммолари, даволашни харажатлари ҳамда моддий ёрдам ажратиш каби масалалар билан мурожаат қилишди.

– Ёлғиз онаман, уч нафар фарзандим билан ижарада тураман, – дейди Урта чирчиқлик Дилдора Юсупова. – Қўлимдан бичиш-тиқиш келади. Кредитга тикув машинаси берилса, (Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

фарзандларимни ўзим боқардим. Зойир Мирзаев бу мурожаат бўйича топшириқ бериб, аёлга 3 кун ичида тикув машинаси берилишини айтди.

Қабулга шу каби ташвиш ва муаммоларини айтиб келганлар билан мулоқот қарийб 8 соат давом этди. Унда 745 та мурожаат тингланиб, мингдан ортиқ масала қўриб чиқилди. Мурожаатларнинг 254 таси Урта Чирчиқ туманидан, 120 таси Янгийўл шаҳри ва туманидан, 40 таси Бекобод тумани, 100 таси эса Пискент аҳолисида бўлди.

Ариза ва шикоятларнинг аксарияти жойида ҳал этилди. Маълум ўрғаниш ва мuddат талаб қиладиган масалалар бўйича масъулларга топшириқлар берилиб, алоҳида назоратга олинди.

Ўтқир ҲОШИМОВ, “Тошкент ҳақиқати” муҳбири Жалолiddин ЭСОНОВ олган суратлар

Статистика бурчаги

Вилоятнинг аҳолиси 3 миллиондан ошди

Жорий йилнинг 1 июль ҳолатига Тошкент вилоятининг доимий аҳолиси сони 3 млн. 19 минг 862 кишини ташкил қилди ва йил бошидан бери 26,4 мингга ёки 0,9 фоизга кўпайди. Шундан, шаҳар жойларида 1 509,5 минг киши ёки жами аҳоли сонининг 49,99 фоизи, қишлоқ жойларида 1 510,4 минг киши ёки 50,1 фоизи истиқомат қилади.

Асосий капиталга инвестициялар

2023 йилнинг январь-июнь ойларида 18 473,5 млрд. сўм асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилиб, улардан қорхона, ташкилот ва аҳолининг ўз маблаглари ҳисобидан 39,0 фоиз ёки 7 213,4 млрд. сўм молиялаштирилди.

Ялпи ҳудудий маҳсулот 1,5 фоизга ўсди

Жорий йилнинг январь-июнь ойларида вилоятда аҳоли жон бошига ҳисобланган ялпи ҳудудий маҳсулот 16 029,0 минг сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,5 фоизга ўсди. Ўтган йилнинг шу даврида ушбу кўрсаткич мос равишда 14 549,5 минг сўмни ва 106,8 фоизни ташкил қилган.

6 ойда 33 минг 404 та чақалоқ туғилди

2023 йилнинг 1 июль ҳолатига қўра, вилоятда 33 минг 404 та чақалоқ туғилган. Бу ўтган йилнинг шу даври билан солиштирилганда 995 та кам. Шунга мос равишда туғилиш коэффициенти 22,4 промиллени ташкил қилди. Ҳудудлар кесимида энг кўп Ангрен ва Чирчиқ шаҳарларида (3 мингга яқин) туғилиш қайд этилди.

Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ҳажми

Вилоятда 2023 йилнинг январь-июнь ойларида етиштирилган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ҳажми 14 795,5 млрд. сўмни ёки 2022 йилнинг мос даврига нисбатан 103,9 фоизни, шу жумладан, деҳқончилик маҳсулотлари – 5 135,5 млрд. сўмни (104,5 фоиз), чорвачилик маҳсулотлари – 9 660,1 млрд. сўмни (104,5 фоиз) ташкил қилди.

Тошкент вилояти статистика бошқармаси



Мавсум

Ангренлик Шерозиддин Йўлдошев бир неча йилдан бери 2 сотихли иссиқхонада помидор ва бодринг етиштиради.

– Қасбим муҳандис, лекин деҳқончиликка қизиқман, – дейди Ш. Йўлдошев. – Шу йилнинг ўзида биринчи теримда помидордан 2 тонна ҳосил олдим. Бозорга олиб чиққанам йўқ. Харидорларнинг ўзлари олиб кетишади. Навбатдаги теримда ҳосилнинг салмоғи янада кўпаяди.

Шерозиддин аканинг таъкидлашича, помидор етиштиришда энг муҳими зараркундаларга қарши курашиш экан. Айниқса, помидор куяси анча хавфли. Аммо зарур агротехник тадбирлар ўз вақтида бажарилса, ҳосилни сақлаб қолиш мумкин.

Жалолiddин ЭСОНОВ олган сурат

ОХАНГАРОН тумани

ҳокимлиги масъулларидан иборат делегация Миср давлатида бўлиб, қорвачилик ва паррандачиликни янада ривожлантириш бўйича маҳаллий тадбиркорлар билан учрашиб, икки томонлама тажриба алмашиш мақсадида музокаралар олиб боришмоқда.

ЎРТА ЧИРЧИҚ

тумани ҳокимининг кўмаги билан “Ёриқ” маҳалласидаги 2 та эҳтиёжманд оиланинг яшаш учун яроқсиз қолган келиб қолган уй-жойи қайта қуриб берилди.

БўКА туманининг “Эзгулик” маҳалласидаги “Фазилат” кутубхонасида китобсевар ўқувчи-ешлар билан “Мен

севган асар” мавзусида давра суҳбати ташкил қилинди.

ҚИБРАЙ туманининг “Аҳиллик” маҳалласидаги “Бўзсув” канали устидан ўтувчи кўприк янгидан қурилиб, замонавий кўринишда қад ростламоқда.

Айни пайтда кўприкнинг туташтирувчи қисмлари текисланиб, бирламча бетон қопламаси ётқизилди.

“Нуроний” жамғармаси ОЛМАЛИҚ шаҳар бўлинимаси шаҳар Тиббиёт бирлашмаси билан ҳамкорликда “Кексалар саломатлиги ойлиги” доирасида Усмон Носир номи маҳаллада кексалар ҳамда ногиронлиги бўлган нуронийларнинг уйларига бориб, чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказишди.



Ватан! Бу муқаддас сўзга қанча таърифу тасниф берсак-да, унинг маълум бир муқобилини топишга қийналамиз. Ватанни улуглаб, турли сифатлар билан кўкларга кўтарамиз: жаннатноманд ўлка, она юрт, киндик қони тоғаман муқаддас тупроқ, саждагоҳ, она каби қиблагоҳ, ота мисоли улкан бир тоғ. Аслини олганда, Ватан шарафига айтилган эзгу ҳар бир сўз, ҳар битта куй – инкор этиб бўлмас айна ҳақиқат.

Шундай бўлса-да, унинг таърифни ўзимизча келтирмоқ истадик. Ватан – ҳеч кимга берилмас маъво, аждодлар изи қолган табарқур замин, душман оёғи қирқилган муқаддас дийёр. Ватан – тунда таралажак мунгли она алласи, у худди шу мунисадек, яхши-ю ёмон фарзандини бирдек кўрадиган, меҳр бериб ардоқлайдиган – кечиримли зот. Ватан – жарангли бир гўдак овози. Унинг атак-чечак қилиб қадамни қўйган, биринчи бор қорни кўриб ҳайратга тушган, илк бор варрак учириб, завқланиб чоғлан – беғубор макони.

Ҳа, миллатимизнинг ўз тугилиб улғайган заминига муҳаббати, элқуртга садоқати, ватанпарварлик ҳисси ҳақида кўп ва ҳўб гапириш мумкин. Бундай соф ва улғвур туйғу – бизга узоқ тарихдан, ота-боболаримиз, аждодларимиздан мерос бўлиб ўтган. Умуман олганда, ҳар банданинг эртанги кунга бўлган ишончи, қувончу ташвишлари замирида аслида ҳам мана шундай она заминга бўлган муҳаббати мужассам десак, янглишмаган бўлаемиз. Аммо бу ҳис-туйғулар – қачонки хорижга борганда, ўзга элларда мусофир бўлиб юрганда кўпроқ жўш уриши ҳам рост. Буни биз “Ватан соғинчи” деймиз.

Маълумотларга қўра, бугунги кунда дунёнинг 100 га яқин мамлакатда қарийб 10 миллиондан ортиқ ватандошларимиз ана шу соғинч ҳисси билан яшашмоқда. Вилоятимиз ҳудудидан эса, 139 мингдан зиёдроқ аҳоли ризқ-насибасини излаб, кимдир оила, рўзгор, бола-чақа боқиш ташвиши, айримлари эса, иш, ўқиш, бизнес, хулласалом, шу каби бошқа

ҳам вазиятдан келиб чиққан ҳолда тегишли ўзгаришлар киритилди.

Мазкур ўта долзарб масала жорий йилнинг 2 август куни давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Тошкент вилоятига бўлган ташрифи чоғида ҳам яна бир бор кўтарилди. Масъулларга хорижда қийналиб юрган қоракўзларга кўмак бериш, зарур бўлса, уларни ўз Ватанига қайтариб, бандлигини таъминлаш бўйича аниқ-тиниқ вазифалар қўйилди.

Шу боис яқинда вилоят ҳокими Зойир Мирзаев ташаббуси билан барча туман ва шаҳар ҳокимла-

ни боис, рўзгор ташвиши гарданимга тушди, – дейди ғамгинлик билан М. Ҳусанова. – Ўзим 2-гурўх ногирониман. Бир нафар фарзандимни яхши кийинтираман, едириб-ичираман, бошқалардан кам қилмай ўстираман, деб ўзимни ўтга-чўққа урдим. Уйим бўлмагани учун квартира-квартира сарсон бўлиб юриб, жуда қийналдим. Шунинг учун бу ерларга келиб қолдим. Лекин ҳар ернинг ҳам нони қаттиқ экан, орттириб уй-жой ҳам қилолмайман. Ватанимни жуда соғиндим.

Вилоят раҳбари шу жойингиз ўзида Маърифат опага ўз қишлоғига қайт-

Яна қайтаяпман ёнингга, ВАТАН...



бошланган. Энг муҳими, турли соҳаларда фаолият юритиб келаётган чет элдаги фуқароларимизнинг салоҳиятини мамлакатимиз тарақиёти учун самарали йўналтириш, имкони бўлса, уларни ўз Ватанига, оиласи бағрига қайтариш, шу ернинг ўзида мўмай дарамад топишларига имконият яратиш мақсадида тизимли ишлар қилинмоқда.

Агар юртимизда меҳнат ресурсларининг ички бозордаги ҳолатига разам солсак, сўнгги йилларда бу масала сўбатининг устувор вазифаларидан бири эканини ҳаммамиз билаемиз. Масаланинг ижобий ечимни йўлида сўнгги йилларда Президент ва ҳукумат томонидан қатор дастуриламал мақомидаги ҳужжатлар имзоланди, қонунлар қабул қилиниб, борларига

ри, тегишли ташкилот ва идоралар масъуллари, 100 дан ортиқ йирик ишлаб чиқарувчи қорхона раҳбарлари иштирокида ҳозирда Россия Федерациясида меҳнат қилаётган мигрантлар билан жонли, онлайн мулоқот ташкил этилди.

Унда Россия элчихонаси, 7 та консуллик, 16 та ваколатхона ва 8 та диаспоралар биноларидан жами 1 минг 651 нафар “қора қозони”ни қайнатиш илжинида ўзга давлатларда юрган ака-ука, опа-сингилларимиз иштирок этишди. Эътиборлиси, уларга 3 млн. сўмдан 11 млн. сўмгача бўлган ойлик маош билан 12 мингдан ортиқ бўш иш ўринлари учрашувнинг ўзидаёқ тақлиф этилди. Мулоқотда 8 йилдан буюн Россияда ишлаб келаётган Қуйи чирчиқлик Маърифат Хусанованинг бошидан ўтказган қийинчиликлари, муаммолари, ҳаётий ҳиқояси барчани таъсирлантирди, этини жунжиктирди.

– Турмуш ўртоғим қамалиб қолга-

Бахт ошени

лари билан учрашиб, улар билан дигдан суҳбатлашади. Ҳар бирининг орзу ниятлари, режалари билан қизиқиб, дарду қувончларига шерик бўлади. Бунинг амалий натижаси ўлароқ, биргина вилоятимизнинг ўзида жорий йил бошидан ҳозиргача 968 нафар мигрант уйига қайтган. Уларнинг 755 нафари доимий асосда ишга жойлаштирилган.



Тўғри, бугунги глобал дунёда одамларнинг давлатдан-давлатга, мамлакатдан-мамлакатга кезиб юришлари тезлашиб кетди. Жайдари қилиб айтганда, дунё бир қадам бўлиб қолди. Шу жумладан, бу жараёнда ўзбекистонликлар ҳам жаҳоннинг барча нуқталарида иш, ўқиш ва бошқа ташвишлар билан яшаб келишмоқда. Аммо бир ҳақиқат аёнки, хорижда юрган ватандошларимизни – у хоҳ Европада бўладими, хоҳ Америкадами, Япония ёки Хитойдами бирлаштириб туривчи ягона туйғу бор – бу Ватанга бўлган муҳаббат.

Шу ўринда ўша машҳур “Ватан” фильмидаги бир эпизодни келтирмоқ ўринли. Узоқ йиллар хорижда истиқомат қилиб, ўз юртига қайтган отахонга ўғли томонидан “Ватан деб жанг қилдингиз, қон тўқдингиз, азоб кечдингиз. Хўш, Ватанингиз сизга нима берди?” дея берган беандиша саволига: “Ватан ҳам онадек. Ундан тама қилиш гуноҳи азим”, деб жавоб беради.

Дарҳақиқат, Ватан онадек авазу муқаррам. Бежиз унга “она” сўзи қўшиб талаффуз қилинмайди: Она ватан. Бу унинг онадай меҳрибон, жонқуярлигига ишора. Ахир, инсон учун волидаи муҳтарамасидадан азирроқ киши борми? Аслида ҳам, мана шу туйғу, тасаввур, ришта, меҳрнинг ҳаммаси Ватанинг бир парчаси, бир бўлагидир.

Эрли НОРБЕКОВ, “Тошкент ҳақиқати” шарҳловчиси

# “Пахтакор-79”: САМОГА СОЧИЛГАН ЮЛДУЗЛАР



Улар орасида ўз вақтида катта доврुक қозонган “Динамо Киев”, “Динамо Тбилиси” каби кучли жамоаларни мағлубиятга учратган Тошкент вилоятининг иқтидорли футболчилари ҳам бор эди. Қуйида улар ҳақида сўз юритамиз.

**Олимжон Аширов.** 1955 йил 25 январда Тошкент вилоятининг Бордонқул қишлоғида таваллуд топган футболчи ҳимоядаги ишончли ўйинлари билан мухлислар меҳрини қозонган. Ешлигидан футболга қизиққан Олимжон Герман Титов номидаги мактаб-интернатда “Пахтакор”даги жамоадоши Владимир Фёдоров билан бирга ўқиган. Олимжон ўзининг иқтидори, тез ҳаракат қилиши, жамоадошини тушуниши билан бошқалардан ажралиб турарди. Буни пайкаган мураббийлар уни СССР ёшлар терма жамоасига жалб этади.

О. Аширов 1972 йилда “Пахтакор”га таклиф қилинган, 1974 йилдан асосий таркиб футболчисига айланган. Марказий ҳимояда ўйнаган Олимжон рақиб ҳужумчиларига ўйин бермаслиги, тез фикрлаши, тўпни ўзлаштириб олиши

билан ишқибозлар ҳурматиға сазовор бўлган. Аиниқса, узоқ масофадан берадиган зарбалари ҳар қандай дарвозабонни довдиратиб қўярди. 1979 йилнинг июлида Тошкентда Минскнинг “Динамо” жамоасига қарши учрашувда тўпни 30 метрдан тегиб рақиб дарвозасига жойлаганини мухлис шарҳловчилар ҳалигача эслашади. Афсуски, Минскдаги жавоб ўйинга училаётганда жамоа ҳалокатга учраган.

Бутун фаолиятини “Пахтакор” таркибида ўтказган Олим Аширов 149 беллашувда 5 та гол муаллифи бўлган.

**Михаил Ан** – 1952 йил Юқори Чирчиқ туманидаги Свердлов номи жамоа ҳужалиғида тутилган.

Унинг акаси Дмитрий “Пахтакор” ва “Политотдел” жамоаларида ўйнаган. Михаил ҳам кичик ёшидан қизиққан.

Ўсмирлигидаёқ эътиборга тушган Ан 1970 йилда “Политотдел”нинг асосий таркибига жалб этилади. 1971 йилнинг иккинчи даврасидан эса уни “Пахтакор”га олишади. Маҳоратли ярим ҳимоячи илк учрашувини ўша йилнинг 23 август кунин Тошкентда “Динамо

Тбилиси”га қарши ўтказган. Мазкур баҳсда жамоамиз 5:1 ҳисобида зафар кучган. Айнаун ўша мавсумдан



манаман деган жамоаларни кўрқитган Ан, Фёдоров, Варюхин, Абдураимов ва Хадзилангис “бешлиги” мухлислар эътиборига тушиб, рақиб ҳимоясини мураккаб аҳволга солишган.

1974 йилги мавсумда Михаил Ан олий лигада 11 гол муаллифига айлиниб, чемпионатнинг энг яхши 33 футболчиси рўйхатидан урин олган.

Ўша йили Қозогистоннинг “Қайрат” жамоаси дарвозасига киритган уч тўпи нуруний футбол мухлисларининг ҳалигача ёдида. Шунингдек, 1975 йилда “Динамо Киев”га қарши ўйинда ажойиб дубл қайд этган.

М. Ан 1974 йилда СССР терма жамоасидан таклиф олиб, сентябрь ойида “Рома”га қарши ўтган урқоқлик баҳсида қатнашган, 1978 йилда эса Эрон билан Техрондаги урқоқлик ўйини ва Туркияга қарши Европа чемпионати саралаш бел-

лашувларида иштирок этган, 1979 йил иккинчи терма жамоа таркибида Мексика ва АҚШ жамоалари билан бўлган ўйинларда тўп киритган.

Бундан ташқари, Ан 1976 йилда СССР ёшлар терма жамоаси сафида Европа чемпиони бўлган. Аҳамиятлиси, ўшанда у команда сардори сифатида жамоадошларини майдонга бошлаб тушган.

У “Пахтакор” сафидаги 232 ўйинда 47 бор гол киритган.

Дарвоқе, айна пайтда Михаил Аннинг ўғли Дмитрий Ан “Пахтакор” футбол клубида мураббийлик қилмоқда. Демак, “Пахтакор”да Анлар сулоласи давом этади.

**Владимир Фёдоров** – 1955 йилда Урта Чирчиқ туманида дунёга келган. Унинг отаси ҳам футболчи бўлган ва Уртасарой ҳудудида футболни ривожлантиришга ҳисса қўшган. Владимир ҳам Тошкентдаги Герман Титов номи мактаб-интернатда ўқиган. 1972 йилда ўсмирлар терма жамоасидаги ўйинлари билан “Пахтакор” мураббийлари эътиборига тушган ва ўша йилиёқ жамоага таклиф қилинган. Мураббий Вячеслав Соловьев уни биринчи ўйиндаёқ асосий жамоа сафида майдонга туширган. Ҳужумчи бу ишончли оқлаб, Пермининг “Звезда” жамоаси дарвозасига гол урган. Ўша мавсумда “Пахтакор” СССР чемпионатининг 1-лигасида ўйнаган. Владимир илк мавсумдаги 7 голи билан мухлис мутахассислар назарига тушади. “Пахтакор” олий лигага қайтган, 1974 йилда ўз ҳисобига 9 та гол ёздириб, СССРнинг энг яхши футболчилари рўйхатидан урин олади. 1976 йил шу натижадан яна такрорлади. У ҳужумдаги тез ва алдамчи ҳаракат, қутилмаганда дарвозага зарба бера олиши, жангли характери, ўйинни ва жамоадошларини бош-

қара олиш хусусиятлари билан бошқалардан ажралиб турарди.

Владимир мамлакат терма жамоасидаги дебютини 1974 йилда ўтказган. Ушанда у Европа чемпионатининг саралаш ўйинида Ирландияга қарши захирадан туширилган. 1976 йил унинг учун энг сермахсул бўлган. Дастлаб, ёшлар терма жамоаси таркибида Европа чемпионатида чорак финалда Франция, ярим финалда Венгрия жамоалари мағлуб этилишига ўз голлари билан ҳисса қўшиб, сафдоши ва дўсти Михаил Ан билан Европа чемпиони бўлишган. Июль ойида эса Канаданинг Монреаль шаҳрида ўтказилган ёзи Олимпиадада ўйинларида терма жамоа билан бронза медалини қўлга киритган. У Олимпиада медалини олган ўзбекистонлик ягона футболчи ҳисобланади. Фёдоров тўрт йилликнинг нуфузли мусобақасида 4 учрашувда майдонга тушган.

Миллий терма жамоада эса Константин Бесковдан кейин Валерий Лобановский кўл остида 8 баҳсда ўйнаган. Кейинроқ Никита Симонян ҳам уни терма жамоага жалб қилишда давом этган. 1976 йилги ажойиб мавсумдан сўнг унга қўллаб жамоалардан таклифлар бўлишига қарамай, Владимир жамоасига содиқ ҳолда “Пахтакор”да қолишни маъқул кўради.

СССР терма жамоаси таркибида у жами 18 беллашувда майдонда тушган. “Пахтакор” учун 188 баҳсда 58 гол муаллифига айланган.

Юқорида келтирганимиз уч футболчи: Олимжон Аширов, Михаил Ан ва Владимир Фёдоров 2006 йилда “Шухрат” медални билан мукофотланишди.

Ўшбу фожиага ҳам 44 йил бўлибди. Аммо “Пахтакор” жамоаси ва биз юқорида номма-ном шарҳлаган футболчиларнинг доврўку хануз тилларда достон. Дарҳақиқат, улар ўзбек футболининг ҳақиқий афсоналари сифатида тарих зарварларида узоқ йиллар сақланишди.

**“Тошкент ҳақиқати” муҳбири Суҳробжон САДИРОВ тайёрлади**



## Сўраган эдингиз

– Савдо ва хизмат кўрсатиш қондаларини бузганлик учун қандай жавобгарлик белгиланган?


**Заҳро АҲМЕДОВА**  
Чирчиқ шахри

**Саволга Тошкент давлат юридик университети Юридик клиникаси ходими Жавоҳир ЭШОНҚУЛОВ жавоб беради:**

– Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 164-моддасига кўра, савдо ёки хизмат кўрсатиш қондаларини бузиш фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари – 3 миллион 300 минг сўм, мансабдор шахсларга эса йигирма баравар – 6 миллион 600 минг сўм миқдоридан жазима солишга сабаб бўлади.

Бу қондалар Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қондалари”да белгиланган.

Шунингдек, сотувчиларга, савдо объектлари ва товарларга қўйиладиган қуйидаги мажбурий талабларга риоя қилиниши шарт:



Сотувчи ўз фаолияти ихтисоси ва ихтисослашувини ҳисобга олган ҳолда давлат стандартлари, санитария, ветеринария, ённинг қарши қондаларга амал қилиши;

Барча ўлчаш воситалари давлат метрология хизматининг метрология текширувидан ўтганини тасдиқловчи сертификатта (ёки гувоҳномага) эга бўлиши;

Алкоголь ва тамаки маҳсулотлари сотиш жойларида уларни 20 ёшга тўлмаган шахсларга сотишга йўл қўйилмаслиги, шунингдек, алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг инсон соғлиғига салбий таъсири тўғрисидаги огоҳлантирувчи ёзув жойлаштирилган бўлиши;

Сотувчи томонидан харидорга касса ёки товар чеки ёхуд товарнинг ҳақи тўланганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжат берилиши керак. Чакана савдонинг назорат-касса машинасини қўлламасдан амалга ошираётган сотувчи – яқка тартибдаги тadbиркор харидорга сотиб олинган товар билан биргаликда сотувчининг фамилияси ва имзоси, яқка тартибдаги тadbиркорнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг тартиб рақами, товар сотилган сана ва унинг қиймати кўрсатилган ҳолда квитанция ёки шунга ўхшаш ҳужжатни бериши шарт.

## Хабарингиз борми

“Давлат пенсияларини тўлаш жараёнига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш орқали аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”-ги ҳукумат қарори лойиҳаси эълон қилинди.



## Пенсия ва нафақани нақд тўлаш тизими ўзгариши мумкин

Лойиҳада белгиланишича, 2023 йил 1 ноябрдан бошлаб акциядорлик тижорат “Халқ банки” сайёр кассалари томонидан махсус планшетларда фуқароларнинг бармоқ изи маълумотларини Адлия вазирлиги ҳузуридаги Персоналлаштириш агентлиги электрон сўров юбориш орқали ўзаро мос келгани тасдиқлан-

ганидан сўнг нақд пул шаклида пенсия ва нафақа тўлаш тизими жорий этилади.

Республиканинг тоғли ва олис ҳудудларида интернет теълиги ёки бошқа муаммолар сабабли пенсия олувчининг бармоқ изларини электрон шаклда солиштириш имконияти бўлмаганда ҳамда ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома

орқали бошқа шахсга тўланаётганда нақд пул шаклида пенсия ва нафақалар тўлов кайнома-ларини имзолаш орқали амалга оширилади.

Адлия вазирлиги ҳузуридаги Персоналлаштириш агентлиги ва акциядорлик тижорат “Халқ банки” ахборот тизимлари ўзаро интеграция қилинади.

ЎЗА

## ЭЪЛОН

**Тadbиркорлар ва сармоядорлар диққатига!**  
“Ko'chmas mulk xizmatlarini ko'rsatish jamiyati” МЧЖ очиқ танлов савдоларига таклиф этади!

“Ko'chmas mulk xizmatlarini ko'rsatish jamiyati” МЧЖ томонидан ташкил этиладиган очиқ танлов савдоларига, “Чорсу буюм савдо комплекси” АЖнинг 2023 йил 8 августдаги 96-сонли буюртманомасига асосан, “Чорсу буюм савдо комплекси” АЖ ҳудудида жойлашган 95-дўкон, умумий майдони 12 м.кв.дан иборат бўлган Миллий кийимлар савдо шахобчаси танловга қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси – 20 000 000 сўм.

Савдода иштирок этиш истагини билдирган талабгорлардан аризалар ушбу эълон чоп этилган санадан бошлаб, расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Таклифларни қабул қилишнинг охири мuddати 2023 йил 12 сентябрь соат 16:00 да тўхтатилади.

Талабгорларнинг таклифлари 2023 йил 13 сентябрь кунин соат 11:00 дан бошлаб кўриб чиқилади. Энг юқори таклифни берган талабгор билан сотувчи ўртасида келишув битими тузилади.

Танлов савдоси шу кунин бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2023 йил 28 сентябрь, 12, 26 октябрь, 9, 23 ноябрь кунлари шахобча сотилгунга қадар соат 11:00 да ўтказилади.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар ёпиқ конвертга солинган таклифлари ва ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;
- жисмоний шахслар – СТИР ва паспорт нусхаси.

Талабгорлар ижарага олиш ҳуқуқининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги суммани закатал сифатида “Ko'chmas mulk xizmatlarini ko'rsatish jamiyati” МЧЖнинг ХАТБ “DAVR BANK” Олмазор филиалидаги ҳ/р: 20208000505331723021, МФО: 01121, СТИР: 308112732 га савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт.

Таклифи маъқул топилган талабгорга савдо ўтказилган кундан бошлаб 20 банк кунин ичида сотувчи билан ижара шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Савдо ташкилотчиси жойлашган, савдолар ўтказиладиган ва савдода иштирок этиш учун аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13А-уй. Телефон: (71) 237-23-91.

## МАҲКУМНИНГ “ЯХШИ ЯШАШИ” УЧУН ПУЛ ТАЛАБ ҚИЛГАН ШАХС УШЛАНДИ

Тошкент вилоятида маҳкумни оғир меҳнатга жалб қилмаслигини айтиб, эвазига пул талаб қилган фирибгор ушланди. Бу ҳақда Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти Ахборот хизмати хабар берди.

Қайд этилишича, Бош прокуратура ҳузуридаги Департаментнинг Тошкент вилояти бошқармаси томонидан ДХХ ходимлари билан ҳамкорликда тезкор тadbир ўтказилган. Унда аниқланишича, О.З. исмли фуқаро Д.М. (аёл)нинг укаси Ё.С. манзил колониясида жазо мuddатини ўтаётганидан хабар топиб, ўзини Қирғай туманидаги



ғишт ишлаб чиқариш заводи иш бошқарувчиси деб таништирган.

Шундан сўнг Д.М.га укасини ўзига бириктирилганини айтиб, Ё.С.ни оғир меҳнатга жалб қилмаслик ва енгил шароит яратиб бериш эвазига 8 миллион сўмини олган вақтида ашёвий далиллар билан ушланган.

Мазкур ҳолат юзасидан Жиноят кодексининг 25, 168-моддаси (фирибгарлик) ва 28, 211-моддаси (пора бериш) билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари ўтказилмоқда.



**КОРРУПЦИЯ ИЛЛАТ**



# Узумни енгу боғини суриштиринг

## Вилоятнинг 8 та ҳудудида "Оптириқ тажрибаси" асосида узум плантациялари барпо этилади

Семинарда 20 минг гектар янги узлаштирилган ерлар ҳамда коллатор ёқалари, темир ва автойул буйлари, самарасиз боғлар, дала чети, аҳоли хонадонларига узумнинг хўраки, кишишоб, саннат- (Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

минг аҳоли иш билан таъминланиши айтиб ўтилди. Қай д этилишича, фермер хўжалиқлари ҳамда аҳоли хонадонларини сифатли узум кўчатлари билан узлуксиз таъминлаш мақсадида, вилоятда қўшимча "In-vitro" лабораторияси, 20 минг тонналик маҳсулот сақлаш қувватига эга музлаткичи ва 27 минг тонналик қуритиш омборхоналари таш-

кил этилади. Бундан ташқари, тадбирда яна 500 тонна сифмил музлаткич, узумни қайта ишлаш корхоналари қуриш, агротуризм имкониятларидан фойдаланиш бўйича янги лойиҳалар ҳам тақдим этилди. Қарорга кўра, биргина Писхонт туманидаги "Мингтепа" ва "Янгиобод" маҳаллаларида 1 минг 200 гектар узумзор барпо этиш режалаштирилган. Маълумки, "Мингтепа" маҳалласи ўзининг узумчилик мактабини яратган ҳудуд сифатида вилоятда азалдан машҳур. Ҳозирда маҳаллада умумий ҳисобда 200 гектар томорқа майдонида узум етиштирилиб, қарийб 500 киши доимий



ва мавсумий иш билан банд. Маҳалладаги деярли барча хонадонда узум етиштирилади. Айни кунларда ҳосилни йиғиш авжида.

Айтиш жоизки, маҳаллада узумчилик орқасидан йилга 50 миллион сўмгача даромад қилаётган оилалар бор.

Деҳқонбой ота Қайюмов қарийб 60 йилдан бери деҳқончилик билан шуғулланади. У 20 сотих ердан йилга 3 тоннагача ҳосил олмақда. Боғида узумнинг "Наманган", "Ризамат", "Хусайни", "Победа" навларини етиштирилади. Пишган узумларни республиканинг турли ҳудудларидан харидорлар ўзлари олиб кетишади.

Ток тўри парварши қилинса, ҳосилдорлик йилдан-йилга ортаверади, — дейди Деҳқонбой ота. — Қари занлар ўрнига ўсиб чиқадиган ёш ниҳоллардан ҳатто беш юз йилгача ҳосил олиш мумкин. Парваршиш

вақтидан кечикмаса, ток касалланмайди. Хабарингиз бор, бу йилги аномал совуқда кўп туманлардаги тоқзорлар бутунлай нобуд бўлди. Хайриятки, вақтида амалга оширилган тадбирларимиз тўфайли қишдан талафотларсиз чиқиб олди. Қўриб турибсиз, ҳосил мўл. Энди эса яна янги навларни экишни мўлжаллаб турибмиз.

Шунингдек, семинарда Фарғона вилоятининг Оптириқ, Қўштепа туманларидан келган боғбон ва агрономлар ўзлари етиштирган узумларни тақдим этишди ва тажрибалари билан бўлишишди. **Марғуба СУЛТОНОВА,** вилоят ҳокимлиги Ахборот хизмати мутахассиси **Ўткир ҲОШИМОВ,** "Тошкент ҳақиқати" муҳбири **Жалолиддин ЭСОНОВ** олган суратлар



### TOSHKENT HAQIQATI TASHKENTSKAYA PRAVDA

Muassis: **TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI**



"Toshkent haqiqati" va "Tashkentskaya pravda" gazetalarini tahrir hay'ati:

- Zoyir MIRZAYEV (tahrir hay'ati raisi)
- Umrat MIRZAQULOV
- Hotamjon SAYDAHMEDOV
- G'afurjon MUHAMEDOV
- Sirojiddin ESHQUVVATOV
- Tohir ARIPOV
- Mahmud TOIR
- Uskenboy ATEMOV
- Abdulla XURSANOV
- Mahmudjon BOLTABOYEV
- Kumush EGAMBERDIYEVA
- Olimjon BEGALIYEV
- Zarifa ERALIYEVA
- Sergey MUTIN
- Bosh muharrir: G'ayrat SHERALIYEV

- Qabulxona: (55) 520-64-95
- Bosh muharrir o'rinbosari: (55) 520-04-10
- Mas'ul kotib: (55) 520-05-10
- Bo'lim muharrirlari: (55) 520-06-20, (55) 520-04-20
- E'lonlar va hisob-kitob bo'limi: (55) 520-21-20
- e-mail: toshkentaqiqati@umail.uz

Nashr uchun mas'ul: **Kumush EGAMBERDIYEVA**  
Navbatchesi: **Nozima RASULOVA**

Bosishga topshirish vaqti - 21:00.  
Bosishga topshirildi - 18:30  
Nashr ko'rsatkichi - 205.  
Buyurtma G-831.  
6 077 nusxada chop etildi.  
Hajmi - 2 taboq. Ofset usulida bosildi. Qog'oz bichimi A-2.  
**Bahosi kelishilgan narxda.**

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida  
2011-yil 12-yanvarda  
03-001 raqami bilan ro'yxatga olingan.  
Manzillimiz: 111500, Nurafshon shahri, Toshkent yo'li ko'chasi, 90.  
Toshkent shahridagi ofisimiz: Bektemir tumani, Ittifoq ko'chasi, 2.  
**ISSN 2010-9318.**

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo'jayev tomonidan sahifalandi.  
Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.  
**Korxonasi manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.**  
123456

# "САЁХАТ" га БИР КЕЛИНГ

Яқинда йўлланма билан "Саёҳат" номи санаторийда дам олиб, даволандим.



## Бизга ёздилар

Жорий йилнинг март ойдан фаолиятини бошлаган сижатгоҳ 74 ўринга мўлжалланган экан. Сижатгоҳ ва хоналар замонавий жиҳозланган. Санаторийда йигирма бешта иш ўрни яратилган бўлиб, малакали тиббиёт ходимлари ва ҳамширалар жамланган. Айниқса, бош ҳамшира Охиста Обидова, Сурайё Сайдуллаевадан даволанувчилар хурсанд. Сижатгоҳда электрофорез, электро уйқу, ультратовуш, ингаляция, тубус, парафин, фитобочка, массаж, тузли гор, озонотерапия каби ўндан зиёд муолажалар қилинади. Бундан ташқари, спорт зали ҳам мавжуд бўлиб, дам олувчилар бемалол шуғулланишлари мумкин.

Шунингдек, ошпаз Жамола Файзихўжаева бошчилигида тайёрланган витаминларга бой, мазази таомлар дам олувчиларга манзур бўлмоқда.

Оқшомлари ташкил этиладиган концерт дастурлари эса дам олувчиларга хушқайфият улашади.

Сижатгоҳда яхши ҳордиқ чиқардим ва оила аъзоларим билан яна келишни ният қилдим. **Асрор СУЛАЙМОНОВ,** Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

**Мана гап**

**Агар ёқтирмаслик, нафрат деган нарсаларни электр манбаига айлантириш мумкин бўлганида эди, бутун дунё чароғон бўларди.**

**Никола Тесла**



Бола дарахт соясида, кўзи эса аясида... **Жалолиддин ЭСОНОВ** сурат-лавҳаси

## Ёзувчи ён дафтаридан

### "ҚИЗИЛ ИШТОНЛИ"ЛАР ОИЛАСИ

Уста Салим колхоз дурадгори эди. Шу сабабли симёғочларга, пештоқларга уриладиган шiorларни эскирганидан кейин ечиб олиш ҳам унинг вазифаси. Ранги ўчган алвонларни чорчўпдан эҳтиётлаганча сидириб

оларди, йиртилмаслигига ҳаракат қиларди. Чорчўпларни эса аямасди, қанча синса, уйга олиб кетиши мумкин-да. Бутунларига янги шior қопланади. Авайлаб сидирилган эски алвонларни битта қилиб тугиб, хотинига олиб боради.

Бу ёқда етти тирмизаклари бор, уларга кўрпа-кўрпача, иштон тикиб бериш керак. Қизил иштонлилар оиласи. Гарчи, ранги ўчмаган астар тарафи ташқарига тикилса ҳам, уларга ёзилган шiorлар билиниб турарди. Бир

боласининг иштонни орқасига айнан "КПСС" деган сўз тескари жой олганди. Биз бу ва бошқа шiorларни тескари ҳолида ўқиб, уларни аслига тиклаб олардик: "Леонид Ильич Бреж" — нарғи бошқа кўрпачада...

### ДЕЗИНФОРМАЦИЯНИНГ БАҲОСИ

Дезинформация — ёлғон маълумот билан мамлакатлар, компаниялар, машҳур шахслар ва президентлар обрўсини тўкиш, акциялар қадрини тушириш, ҳатто уруш бошлаб юбориш ҳам мумкин. Ана шундай товламачиликнинг типик намунаси ёзувчи Александр Дюманнинг "Граф Монте Кристо" романида келтирилган.

Данглар деган банкдан ўч олиш учун Эдмон Дантес аббат Фариа образиде Франциянинг соҳилида Атлантика океани орқали ўтган телеграф кабелида маъ-

лумотларни Парижга юборувчи радист хонасига боради. Унга катта пул бериб, Парижга "АҚШдан келаётган фалон кема ҳалокатга учради, ундаги банкирлар чўкиб кетди, фалон тонна олтин ҳам океан тубидан жой олди", — қабилидаги телеграмма жўнаттиради. Ёлғон маълумотни юборгани эвазига катта пулни қўлга киритган радист эса бу ерлардан кўчиб, яъни қочиб кетади.

Бу ноҳус хабар етиб борган заҳоти банклардаги уша бадавлат компания акциялари баҳоси сув текинлашиб кетади ва Граф Монте Кристо уларнинг барини сотиб олади. Бир ҳафтадан кейин уша "чўкиб кетган" кема Францияга етиб келади. Компания акциялари нархи яна кўтарилди кетади, Граф Монте Кристо энди уларни қиммат нархларда сотиб, маблагини юз баробарга кўпайтириб олади. **Оллоёр ХУЖАНДИЙ**

## Нега шундай деймиз?

### НИМАНИ ХОР ТУТСАНГ, ШУНГА ЗОР БЎЛАСАН

Бу — табиий ва ижтимоий қонуниятлар асосига қурилган халқ ҳикмати. Дарҳақиқат, киши ҳар қандай нарсани ё қимсани хор қилса, қадрига етмаса, авайлаб тутмаса, тежаб-тергамаса, оқибат-натияжада ундан маҳрум бўлиб, эҳтиёж сезади, зор бўлади. Масалан, нонни, озиқ-овқатни, кийим-кечакни, асбоб-анжомни ва ҳ.к. хор тутса, кун келиб зор бўлади. Айниқса, ким ота-она, хотин, бола-чақани, қариндош-уруғ, ёр-дўстларни хор қилса, улар ундан беэҳтиёт, юз ўгириб кетадилар. Ургатадиган онаси йўқ келин эса тушган еридагилар нима деса, рад этмай, "хўл бўлади" деб, қилаверади. Шу боисдан бундай келинни "ювош" дейдилар.

### ОНАСИЗ КЕЛИН — ЮВОШ, ОНАЛИ КЕЛИН — БЕБОШ

Бу нисбий айтилган мақол. Одатда онаси ҳаёт бўлган келинларнинг аксарияти онасининг яхши-ёмон насиҳатларига, ўргатадиган гаплари ва йўл-йўриқларига берилиб, тушган ерида қайнота-қайнонасига, эрига, қариндош-уруғларига тўғрими-нотўғрими — ўз гап-сўзини ўтказишга ҳаракат қилади. Шу боисдан бундай келинни "бебош" дейдилар. Ургатадиган онаси йўқ келин эса тушган еридагилар нима деса, рад этмай, "хўл бўлади" деб, қилаверади. Шу боисдан бундай келинни "ювош" дейдилар.

**Ш. ШОМАҚСУДОВ** "Ҳикматнома"